



## ЁШЛАРНИ ВАТАНПАР КИЛИБ ТАРБИЯЛАШ

**Алиназаров Нодирхон Носирхон ўғли**

*Фаргона Давлат Университети Ҳарбий Таълим Факултети талабаси*

**Аннотация:** Ҳар қандай эзгу ният, орзу ва мақсаднинг амалга ошириш, аввало, жамиятдаги мустаҳкам тинчлик ва хотиржамлиқка боғлиқ. Бу барча замонларда ўз исботини топган ҳақиқатдир. Сир эмаски, ҳозир дунёning айрим мамлакатларида сиёсий бекарорлик ҳукм суроётган бўлса, бошқа бир юртда террорчилик, наркобизнес каби миллат танламас иллатлар халқаро хавфсизликка таҳдид солмоқда. Бу каби ҳолатлар эса бизнинг тинч ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам асоси бўлган истиқлолимизга шукrona қилиши ва уни кўз қорачигидек асрар-авайлашга ундаиди.

**Калит сузлар:** юртимиз, тинчлик, қарор, халқлар, дунё, мустаҳка, жамият, амалга ошириш, Тарих, миллат, она-Ватан.

Ўтган чорак аср йилларида юртимизда тараққиёт асосида барқарор тинчликни сақлаш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимиз турмуш даражасини юксалтириш борасида улкан натижаларга эришилди. Ана шу ютуқларимизда бугунги замон талаблари асосида шаклланган қуролли кучларимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки миллий армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолатидир. Бу Давлатимизнинг Асосий қонунида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, унда қайд этилишича, “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади”. Шу мақсадда 1991 йилда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни эса мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим тадбирга қўл урилди. Республикамиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1993 йилдан эътиборан 14 январь юртимизда “Ватан ҳимоячилари куни” деб эълон қилинди.

Ислом дини таълимотида Аллоҳ таоло Одам наслидан дунёга келган зурриётларни ер юзида турли миллат ва элатларга бўлиб қўйди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло хабар бериб бундай дейди:

“Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак(Одам) ва бир аёл(Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни(турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақвадорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир”.

Табиийки, инсон фарзанди қаерда, қайси мамлакатда дунёга келса, ана шу ер унинг учун она Ватанга айланиб қолади. Киндик қони тўкилган жой инсон учун ҳамма нарсадан ҳам қимматли даргоҳдир. Расули Акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинаи мунаварага хижрат қилиб кетаётгандаридан туғилиб ўсган ватанлари Маккай



мукаррамага юзланиб туриб: “Агар қавмим мени Маккадан чиқиб кетишга мажбур қилмаганида, ҳеч ҳам ўз ихтиёrim билан уни ташлаб кетмаган бўлур эдим” деганлари сийрат китобларида баён этилган.

Демак ватанинни севиш, ватанпарвар бўлиш, ундаги бор нарсаларни ардоклаb, соғиниб яшаш инсоният табиятида мавжуд бўлган нозик ҳис туйғудир.

Тарихдан маълумки, бирор бир миллат бошқа бир миллатни хорламоқчи бўлса, аввало унинг ватанини босиб олиб, вайрон қилган ёки уларни ватанидан қувиб чиқарган. Ўз ватанини душманлар қўлида қолганини кўрган миллатга бундан ортиқ хўрлик ва азоб йўқ. Зоро, ватан, миллат, дин тушунчалари инсон учун ҳар нарсадан азиз ва муқаддасдир. Буюк аллома Алихон тўра Соғуний (Аллоҳ ундан рози бўлсин)нинг қўйидаги сўзидағи она Ватанинни севган ва унинг йўлида жон фидо қилишга тайёр бўлган ҳар бир киши қалбида ғайрат ва шиҷоат уйғотади: “Ҳар бир инсонга маълумдурки, дунё ҳаётida инсоннинг энг севган, қадрли, қимматли тўрт нарсаси бордир. Бу тўрт нарсага эга бўлмаган кишилар инсонлик шарафидан маҳрум бўладилар. Улар: озодлик ва эркинлик, меҳнат билан топилган бойликка ўзи эгалик қилиши, туғилиб ўсган она-Ватани ҳамда асрлар бўйи эътиқод қилиб келаётган муқаддас динидир”

Донишмандлар айтадилар: “Кишининг вафодорлиги унинг ўз ватани учун қайғуришидан, дўстларини соғинишидан ва умрининг зое кетказган лаҳзаларига ачиниб, ўкиниб яшасидан билинади”. Инсоннинг ўз халқига бўлган садоқати ва фидоийлиги она Ватанинни ҳимоя қилиши, тараққий топиб, ҳар томонлама мустаҳкам ва қудратли бўлиши ҳамда халқининг тинч ва фаравон ҳаёт кечиришига имконият даражада хисса қўшиши билан ўлчанади, албатта.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. , T., & Zufarov, T. (2019). Improvement Of Combined Actions Of GrecoRoman Style Wrestlers Taking Into Account The Specifics Of Competitive Activity. International Journal of
2. Advanced Science and Technology, 29(12), 1913-1917. 2. Choriyev, I. (2019). Efficiency Of The Model Of Formation And Development Of Readiness For Pedagogical
3. Design In The Conditions Of Information And Communication Technologies. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 7(12), 624-629. 3. Karaev,
4. V. S. (2020). Competence And Competent: Different Approaches And Interpretations.
5. International Journal for Innovative Engineering and Management Research, 9(9), 202-206. 4. Mamatkulov, R. S., Khudoyberganov, J. S., Yusupbaeva, A. S., & Umaralieva, D.
6. U. (2020). Features of formation of readiness of future teachers for innovative activity by means of information technologies. International Journal for Advanced Research in
7. Science & Technology, 10(06), 1-3. 5. Атабеков, Ф. У., Худойберганов, Ж. С., &



8. Шукурллаев, Ж. М. (2020). Жисмоний тарбия дарсларида волейбол спорт турини ургатишда харакатли уйинлардан фойдаланиш. Малака ошириш тизимида спорт буйича мутахассисларнинг касбий компетентлиги механизмини такомиллаштириш: муаммолар ва ечимлар, 212-214. 2. 6. Ачилов, Т. С. (2020). Оздоровительный бег, принципы самостоятельной тренировки. Maktab va hayot, 4(152), 43-44.